

“Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси”да ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш юзасидан белгилаб берилган вазифалар ҳамда соҳада мустақиллик йилларида эришилган ютуқлар ҳақидаги матбуот анжумани

ПРЕСС-РЕЛИЗИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов томонидан илгари сурилган “Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси”да оммавий ахборот воситаларининг фуқароларнинг ахборот олиш ва тарқатиш бўйича қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳокимият ва жамоатчилик ўртасида мустаҳкам алоқа ўрнатиш, фуқаролик жамияти институтлари тизимидаги ўрни ва ролини янада мустаҳкамлаш ҳамда кўллаб-қувватлаш борасида устувор вазифалар белгилаб берилди.

Мамлакатимизда оммавий ахборот воситалари эркин фаолият кўрсатиши учун қонуний асос, зарур шарт-шароитлар яратилган. 10 дан ортиқ Қонун ва 30 га яқин қонуности ҳужжатлари қабул қилинган. Бундан ташқари, Президентимиз концепцияси асосида Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари фаолиятининг иқтисодий асослари тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситаларини давлат томонидан кўллаб-қувватлаш кафолатлари тўғрисида”ги қонун лойиҳалари тайёрланган.

Республика оммавий ахборот воситалари давлат томонидан соҳада изчиллик билан олиб борилаётган сиёсат натижасида фуқаролик жамияти институтлари тизимида тобора муҳим ўрин тутиб бормоқда.

2016 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра, давлат реестрига киритилган оммавий ахборот воситаларининг умумий сони 1461 тани ташкил этади. Улардан 686 таси газета, 300 таси журнал, 16 таси ахборотнома-бюллетень, 4 таси ахборот агентлиги, 65 таси телевидение, 31 таси радио, 359 таси веб-сайтлардир. Эътибор беринг, 1991 йилдагига нисбатан 3,5 бараварга, яъни 395 тадан 1461 тага кўпайган бўлса, газеталар сони 2,5 бараварга, журналлар сони эса 6 бараварга ўсганини қайд этиш мумкин.

Республикамиздаги оммавий ахборот воситалари сони давлат-нодавлат кўринишидаги тақсимотга ажратилганда, давлат ташкилотлари тасарруфидаги босма ва электрон нашрлар жами, 539 та (46.2%) нодавлат ташкилотлар ва хусусий секторга тегишли оммавий ахборот воситалари 922 тага тенгдир.

Даврий нашрлар мониторинги уларнинг нафақат сон, балки ихтисослашуви, мазмуни, ҳажми ва матбаа сифати жиҳатидан ҳам ривожланиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Жумладан, мавжуд даврий нашрларнинг 220 тага яқини ижтимоий-сиёсий, 130 тадан ортиғи ижтимоий-ҳуқуқий, иқтисодий-маърифий, 200 тадан ортиғи адабий-бадиий, ахборот-кўнгилочар, 80 тага яқини илмий-таҳлилий, 70 тадан ортиғи ёшлар, болалар ва ўсмирлар ва 20 тага яқини эса спорт йўналишларига ихтисослашган. Мамлакатимизда ҳар бир соҳада амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёни, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг ошкоралигини таъминлаш мақсадида матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг глобал интернет тармоғига киришига кенг йўл очиб берилган. Бугун миллати, дини қандай бўлишдан қатъи назар, ҳар бир инсон ахборот олиш, сақлаш, тарқатиш ва янгилаш (агар бундай ҳолат бошқа шахслар, давлат ва жамиятнинг ахборот бўйича хавфсизлигига зарар етказмаса) ҳуқуқига эга.

Шунингдек, матбуот, телевидение ва радиоканалларнинг глобал интернет тармоғига киришига кенг йўл очиб берилиши мамлакатда амалга оширилаётган ислоҳотлар жараёнини, давлатнинг ички ва ташқи сиёсатининг ошкоралигини таъминлашда муҳим омил бўлмоқда, мамлакатимиз аҳолисининг турли манбалардан холис ахборот олиш имкониятини кенгайтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 30 декабрдаги “Оммавий ахборот воситаларини янада ривожлантириш учун қўшимча солиқ имтиёзлари ва афзалликлар бериш тўғрисида”ги ПҚ-1672-сон қарори орқали оммавий ахборот воситалари, нашриёт ва матбаа корхоналарига берилган солиқ имтиёзи натижасида Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги корхоналарнинг ўзида жами 7,5 млн. АҚШ доллари ҳажмидаги модернизация ишлари амалга оширилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 16 июлдаги “Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4453-сон Фармонида асосан оммавий ахборот воситалари, матбаа корхоналари ва нашриётлар фаолиятига рухсатнома ва лицензия олиш учун тўланадиган давлат божи ставкалари 2 баробарга камайтирилди.

ОАВнинг Интернет глобал тармоғига кириш имкониятларини кенгайтириш борасида бир қатор чоралар белгиланиб, ижрога қаратилган. Жумладан, фаолият кўрсатаётган 27 мингдан зиёд веб-сайтларнинг аксарияти ахборот шакллантириш ва тарқатиш характердаги ахборот ресурсларидир. Бугунгача уларнинг 359 таси Агентлик томонидан оммавий ахборот воситаси сифатида рўйхатдан ўтган. Улар интернет тармоғи орқали ўзбек ва саккизта хорижий тилларида ахборот тарқатмоқдалар. Жаҳон интернет-ахборот маконида миллий ахборот сегментининг ошиб бориши

эса Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътиборини кўтаришга хизмат қилмоқда.

Турли нуфузли давраларда оммавий ахборот воситаларининг мустақилликни мустаҳкамлаш, мамлакат тараққиётининг ҳозирги ислохотлар давридаги, халқимизнинг муносиб турмуш тарзини ҳосил қилиш, маънавий ҳаётни авж олдириш, ёшларни ахборот хуружларидан ҳимоя қилишдаги ролини кучайтириш сингари долзарб масалаларни амалга оширишдаги иштирокига янги урғу бериш мақсадида анжуманлар ўтказилмоқда. Муҳим фикр-мулоҳазалар билдирилиб, тавсиялар ишлаб чиқилмоқда.

Шундай бўлса-да, даврий нашрларимизнинг сони, сифати, берилаётган аксарият материалларнинг савияси, мазмун-моҳиятида содир бўлган ўзгаришларни инкор этмаган ҳолда биз уларни ҳозирги кун талабига тўла жавоб бериш, телетомошабин, газетхонларнинг давр билан бирга ўсиб бораётган талаби, диди, маънавий эҳтиёжини тўла қондириш, глобаллашув шароитида ёшларни турли ахборот хуружларидан ҳимоя қилишда фаол иштирокини таъминлаш борасидага ишларни янги босқичга кўратиш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда, тез суръатлар билан ўзгариб, олдимизга бир-биридан ўткир ва долзарб саволларни қўяётган ҳозирги мураккаб замонда, жаҳон миқёсида бешафқат рақобат, қарама-қаршилик ва зиддиятлар, информацион хуружлар тобора кучайиб бораётган таҳликали бир вазиятда халқимиз, айниқса, ёшларимизни мустақил фикрлайдиган, оқни қорадан, ростни ёлғондан ажратишга қодир инсонлар этиб тарбиялашда, доимо ҳушёр, сезгир ва огоҳ бўлиб, воқеликка дахлдорлик туйғуси билан яшашга даъват этишда мамлакатимиз оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва масъулияти ҳар қачонгидан ҳам ортиб бораётгани ҳеч кимга сир эмас.

Шу масқадда Агентлик томонидан турли ташкилотлар билан ҳамкорликда оммавий ахборот воситаларида берилаётган материалларнинг савияси ва салмоғини ошириш, ёшларни турли ахборот хуружлари, оммавий маданиятнинг салбий оқибатларидан ҳимоялашга бағишланган мақолалар бериб борилишини ташкил этиш, журналистларнинг фуқаролик позициясини мустаҳкамлаш, мамлакатимизнинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, одамларимизнинг онгу тафаккурини юксалтириш, уларни Ватанимиз олдида турган улкан мақсадлар сари сафарбар этиш, журналист касбининг ижтимоий мақоми ва нуфузини юксалтириш, соҳа ходимларининг меҳнатини моддий ва маънавий рағбатлантириш борасида бир қатор тадбирларни ташкил этиш режалаштирилган.

Агентлик томонидан оммавий ахборот воситаларининг ёшларни миллий манфаатларимиз ва хусусиятларимизга мос келмайдиган ахборот тарқатгани, бошқа қонунбузилишларга йўл қўйилгани учун 2014 йилда 34 та, 2015 йилда 52 та оммавий ахборот воситасининг фаолияти тугатилди.

Газетхонга маънавий озука бермай, зўравонлик ва шафқатсизликни тарғиб қилиб, муқаддас оила муносабатларини таҳқирланиши ва емирилишига, ёшлар ўртасида ахлоқий бузуқлик сингари иллатларга рағбатни шакллантиришга уринган 10 га яқин даврий нашр ва телевидение фаолияти Агентлик даъво аризаларига мувофиқ Хўжалик Судлари қарорларига асосан тугатилди.

Шу йилнинг ўтган даврида соҳага оид амалдаги қонунчилик талабларини бузиб келган 57 та газета, 20 та журнал, 23 та телерадиоканал, 5 та веб сайтга белгиланган тартибда тикдимнома ва кўрсатмалар киритилиб, ахборот воситалари фаолияти қонунчиликка мувофиқлаштирилди.

Шу билан бирга, 2015 йилда аҳолининг ҳуқуқий ва сиёсий маданиятини, ижтимоий-сиёсий ҳамда ижтимоий-иқтисодий фаоллиги даражасини оширишда журналистлар иштирокини кенгайтириш, оммавий ахборот соҳасида миллий ва хорижий тажрибани ўрганиш масалаларига доир 10 га яқин семинар-тренинглар, матбуот анжуманлари, давра суҳбатлар ўтказилди.

Бундан ташқари, Агентлик томонидан ўтган 2014-2015 йилларда Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-2124-сон Қарорига асосан Ўзбекистонда нашр этилаётган ёшлар босма оммавий ахборот воситаларининг баркамол авлодни тарбиялашга қаратилган фаолиятини такомиллаштириш бўйича тегишли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Натижада республикада нашр этилаётган 67 та ёшларга оид нашр мунтазам ўрганилиб, аниқланган камчиликларни бартараф этиш, мавзулар хилма-хиллигини ошириш, мазмунан бойитиш юзасидан тавсиялар ишлаб чиқилди.

Газеталарнинг матбаа сифати, дизайни такомиллашиб, рангли саҳифалар сони ортиб бораётгани кузатилди. Таҳририятларда нашрнинг электрон шакллари яратилиши фаоллашди.

Жорий йилда ҳам оммавий ахборот воситаларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш борасида катор чора-тадбирлар белгиланган бўлиб, уларнинг ижроси изчил таъминланиб келинмоқда.